

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

**226 Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва
бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қара-
тиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 128 ва 129-моддаларига ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48⁷-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 13 май,
120-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 13 майдаги 120-сон қарорига
ИЛОВА

**Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағларига ва
бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига
қаратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 128 ва 129-моддаларига ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48⁷-моддасига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг маблағларига қаратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

бюджет ташкилоти — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари хисобига таъминланадиган давлат функцияларини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органларининг қарорига қўра, белгиланган тартибда ташкил этилган нотижорат ташкилоти;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети — давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси;

молиявий мажбуриятлар — бюджет ташкилотларида уларга пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан ижро ҳужжатлари асосида пайдо бўладиган мажбуриятлар;

харажатлар сметаси — бюджет ташкилоти томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжат;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари — қонун ҳужжатларида назарда тутилган манбалар хисобидан бюджет ташкилоти тасаррufига тушадиган маблағлар;

ғазначилик бўлинмалари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўйича Фазначилик бўлинмалари.

3. Ижро ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни қаратиш, ушбу Низомда белгиланган хусусиятларни хисобга олган ҳолда, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро

этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофик, ижро ҳужжатида маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўлаш тўғрисидаги талаб мавжуд бўлган ёхуд ижро ҳужжатида бюджет ташкилоти қарздор сифатида кўрсатилган ҳолларда амалга оширилади.

4. Бюджет ташкилотининг қарздорнинг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирув, ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, ижро ҳужжатларини ижро этиш учун зарур бўлган микдорда ва ҳажмда қаратилади.

Бюджет ташкилотларидан ижро йиғимини ундиришга йўл қўйилмайди.

5. Ушбу Низом билан зиммасига суд қарорларини ижро этиш доирасидаги муайян мажбуриятлар ва ҳаракатларни бажариш юкланган давлат органдари ва мансабдор шахсларга суд тартибидан ёхуд шикоят килиш ёки протест келтириш тартибидан ўзгача тарзда суд ҳужжатини ижро этмаслик, ижро этишини тўхтатиб туриш ёхуд ижро этишга бошқача тарзда тўқснлик килиш тақиқланади.

II. Ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларига қаратиш

6. Ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларига қаратишни назарда тутадиган ижро ҳужжатларини ижро этиш молия органдари томонидан тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ижро ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар олиш учун ижро ҳужжатида кимнинг фойдасига бюджет маблағлари ўтказилиши назарда тутилган бўлса, ўша шахслар ёхуд унинг вакиллари (кейинги ўринларда ундирувчилар деб аталади) аризани:

агар ижро ҳужжатида маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ундириш назарда тутилган бўлса — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;

агар ижро ҳужжатида маблағларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ёки Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ундириш назарда тутилган бўлса — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига;

агар ижро ҳужжатида маблағларни туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан ундириш назарда тутилган бўлса — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларига;

агар ижро ҳужжатида пул маблағлари тўланиши керак бўлган бюджет даражаси кўрсатилмаган бўлса — ундирувчининг — жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича ёки ундирувчи — юридик шахс организининг жойлашган жойидаги туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларига тақдим этадилар.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида назарда тутиладиган режали бюджет маблағлари мулкий ва маънавий заарни қоплаш бўйича тўловларни амалга оширишнинг манбалари ҳисобланади (дав-

лат даромадига ўтказилган пул маблағлари ва мол-мулк қиймати суммалари бундан мустасно).

Аризага суднинг ёхуд ижро ҳужжатини берган бошқа органнинг муҳри билан тасдиқланган ижро ҳужжатининг асл нусхаси илова қилинади. Аризада унга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ўтказилиши талаб этилаётган ундирувчининг банкдаги ҳисоб рақами реквизитлари кўрсатилган бўлиши лозим.

8. Тегишли молия органи қўйидаги холларда ижро ҳужжатини ундирувчига ижро этмасдан қайтаради:

ариза ушбу Низомнинг 7-банди талаблари бузилган ҳолда тақдим этилганда ёхуд унга ижро ҳужжатининг асл нусхаси илова қилинмаганда;

ижро ҳужжати «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

ижро ҳужжати «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 27-моддасида назарда тутилган ижрога топшириш муддати ўтгандан кейин тақдим этилганда;

ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати бўлган бошқа ҳужжат қонуний кучга кирмаганда, бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда.

Ижро ҳужжатини ушбу бандда назарда тутилмаган асослар бўйича ижро этмасдан қайтаришга йўл қўйилмайди.

9. Ижро ҳужжатини ижро этмасдан қайтариш тўғрисидаги асосланган хат ариза тушган кундан бошлаб 3 кун мобайнida ундирувчига юборилади, унда ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган талаблардан қайси бири бузилганлиги мажбурий тартибда кўрсатилади.

Ижро ҳужжати ушбу Низомнинг 8-банди учинчи хат бошида кўрсатилган асос бўйича қайтаришган тақдирда, хатда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 8-моддасида назарда тутилган талаблардан қайси бири бузилганлиги ҳам кўрсатилади.

Ижро ҳужжатини аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қайтариш ундирувчи томонидан ушбу бузилишлар бартараф этилгандан кейин ижро ҳужжатини тегишли молия органига тақроран тақдим этишга тўсқинлик қилмайди.

10. Ижро ҳужжатини ижро этмасдан қайтариш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли молия органи ариза тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнida молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва тегишли бюджет маблағларини ариза берувчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлаш чора-тадбирларини кўради. Айни бир вактда, ариза берувчи ва суд ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган ижро ҳужжатини ижро этиш натижалари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади.

Ундирувни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағларига қаратишни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари хисобидан харажатларни молиялаштириш (тўлаш) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Ижро ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш, кечикириш, бўлиб бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижро ҳужжатининг ижроси суд томонидан ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган томонидан, шу жумладан суд ҳужжати ёки ижро ҳужжати юзасидан шикоят берилиши ёки протест келтирилиши муносабати билан тўхтатиб турилган тақдирда, ижро ҳужжатини ижро этиш бўйича барча ҳаракатлар суд ёки ижро ҳужжатини берган орган томонидан ижро этишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади. Бунда ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган муддатнинг ўтиши хам тўхтатиб турилади.

Ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати, ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки хақиқий эмас деб топилганда тегишли молия органи ундирувчига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар тўлашни рад этиш тўғрисида хат жўнатади.

III. Бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни қаратиш

12. Бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш суд ижрочилари томонидан, ушбу Низомда назарда тутилган хусусиятларни хисобга олган холда, суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Ижро ҳужжатлари бўйича бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирув суд ижрочисининг қарори асосида, қарзни ва ижро этиш бўйича харажатларни тўлаш учун зарур бўлган микдорда амалга оширилади.

14. Суд ижрочилари бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутадиган ижро ҳужжатларини (суд ижрочисининг қарорини) тегишли фазничилик бўлинмаларига тақдим этадилар.

15. Бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини ижро этиш:

биринчи навбатда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари хисобидан;

тўланиши лозим бўлган қарз бюджет ташкилотининг харажатлар сметаси бўйича харажатлар моддасига мувофиқ бўлганда — бюджетдан ажратилган маблағлар ҳажми доирасида амалга оширилади.

16. Газначилик бўлинмаси суд ижрочисининг қарори олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда:

бюджет ташкилотининг бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасининг тегишли моддаси бўйича ҳамда бюджетдан ташқари барча шахсий ғазна ҳисоб вараклари бўйича тўловларни ҳамда шартномаларни рўйхатдан ўтказишни вақтинча тўхтатади, шунингдек суд ижрочисининг қарорида назарда тутилган бюджет ташкилоти маблағларидан фойдаланиш юзасидан бошқа чекловларнинг ижросини таъминлайди;

бюджет ташкилотини, ижро ҳужжатини илова қилган ҳолда, тегишли харажатларнинг вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида ёзма равишда харбдор қиласиди;

бюджет ташкилотининг ғазначилик ҳисоб рақамидан — бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари қолдиқлари доирасида, бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари жамғармасида маблағлар мавжуд бўлмагандан ёки етарли бўлмагандан ҳамда тўланиши керак бўлган қарзлар бюджет ташкилоти харажатлари сметаси бўйича харажатлар моддасига мувофиқ бўлганда эса — ажратилган бюджет маблағлари хажми доирасида маблағларнинг ўтказилишини таъминлайди.

17. Бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича маблағларни тўлашга доир харажатларни молиялаштириш (тўлаш) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ва харажатлар сметасининг тегишли моддаси бўйича бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиги етарли бўлмаган тақдирда, ғазначилик бўлинмаси бюджет ташкилотига харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида талабнома юборади. Бунда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ғазначилик ҳисоб рақамлари бўйича, шунингдек бюджет ташкилотлари харажатлар сметасининг тегишли моддалари бўйича бундан буён юридик мажбуриятлар қабул қилиш бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритилгунгача ва суд ижрочисининг қарори асосида маблағлар тўлиқ тўлангунгача тўхтатиб турилади.

IV. Якунловчи қоида

19. Суд ижроилари, молия органлари ва ғазначилик бўлинмалари ходимлари ушбу Низом талабларининг қатъий бажарилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.